Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
1 ФЕВРАЛЬ 1969 й.
ШАНБА
№ 27 (791).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• БУГУН СЕРГЕЛИДА

Карьер ишга туширилди

Пойтахтимиз қурилишларини шағал-тош билан таъминлайдиган ва йилига 150 минг кубометр шағал-тош етказиб берадиган катта очиқ карьер ишга туширилди.

«Главташкентстрой»га қарашли бу улкан корхонани 3-қурилиш трестига қарашли 57-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари қуришган.

●

Яна бир завод

Сергелида пойтахтимиз қурилишларини темир-бетон буюмлари билан таъминлаб турадиган яна бир темир-бетон заводи ишга туширилди.

Йилига 30 минг кубометр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ва ҳамма иш жараёни техника елкасига юклатилган бу заводни 57-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуриб беришди.

●

Янги автопарк

9-автокомбинатга қарашли 100 автомашина сақланадиган автопарк фойдаланишга топширилди. Уни ишга туширишда 3-трестнинг 57-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳиммат кўрсатишди.

●

Тўғон битди

3-қурилиш трести 57-қурилиш бошқармасининг бир группа бунёдкорлари, қисқа муддат ичида Чирчиқ дарёсида узунлиги 1,3 километр бўлган мустаҳкам дамбани қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Беш йилликнинг учинчи йилини зафарли меҳнатлари билан якунлаган қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари яна 3643 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширдилар.

●

Комбинат қурилишида

Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган мебель комбинати қурилиши жадаллаштириб юборилди. Комбинат қурилишида 7 трест 57-қурилиш бошқармасининг коммунист И. Ражаматов бошчилик қилаётган бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишяпти. Улар ўтган йили кўзда тутилган 1.330 минг сўмлик ўрнига 1332 минг сўмлик иш бажариб, эммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб ado этишганди.

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ Ленинча меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилаётган бунёдкорлар улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи кунигача комбинатнинг асосий корхоналарини ишга туширишга аҳд қилдилар.

Т. НАЖМИЙ.
«Тошкент оқшомининг штатсиз мухбири.



Суратда: қардош болгар халқининг ўзбек халқига тортиғи Тошкентнинг Киров районида қурилаётган мактаб биносини қуриш учун келган болгариялик бунёдкорлардан (чапдан ўнгга) Петр Стоянов, Пройков ва Богодан Георгиевич Шумков ўртоқлар.

Қизиқарли кўргазма

Навоий кўчасидаги нашриётлар биносида «Ўзбекистон нашриётларининг яхши китоблари» деган мавзуда кўргазма ташкил этилди. Турли конкурсларда китобни безатиш, сифатли чиқариш масалаларида юқори ўринни эгаллаган асарлар кўргазмадан жой олган. Дипломлар билан тақдирланган китоблар орасида В. И. Ленининнинг «Давлат ва революция», «Марксча-ленинча философия», «Маршал Тухачевский», «Самарқанд», Қайсин Қулиевнинг «Гул ва ханжар», 1-синфлар учун «Ўқиш китоби», «Навоийга армуғон», Прем Чанднинг «Нирмола» асарларини ва бошқаларни кўриш мумкин. Бу — «Ўзбекистон», Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, «Ёш гвардия» «Ўқитувчи» каби ва бошқа нашриётларнинг маҳсулотларидир.

Илғорларга тенглашиб


—Фабрикадаги учта цехда уч юздан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда,— дейди шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли 2-тикувчилик фабрикасининг бош инженери М. Азимхўжаев. Коллективимиз доҳий туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш йўлида яхши меҳнат қиляпти. Ўтган йилни пландаги ташқари 20 минута соочка ишлаб чиқариш ва 80 минг сўмлик ортиқча маҳсулот реализация қилиш билан якунлаган фабрика меҳнатчилари бошқармада етакчи ўринни эгаллаган эдилар.

Коллектив ютуқни мустаҳкамлаш йўлида январь ойида янада зўр ғайрат билан ишлади. Ўтган йили тежаб қолинган ип ва шойи газмоллардан 10 минга соочка тайёрланди. Ойлик планни вақтида бажариш билан ҳозир ҳар куни 2 мингтага етказиб эркаклар, болалар кўйлаклари ва ўқувчилар формаси тайёрланмоқда.

М. Сергеева бошчилик қилаётган тикув цехида Э. Ҳалилова, М. Шараф еева, М. Спанапола бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаларининг чеварлари кунлик топшириқларини ошириб ado этиш билан фабрикада донг таратмоқдалар. С. Гонолиду бригадаси ҳам илғорларга тенглашиб олди.

● *Россия қурувчилари–Тошкентга*

ДЎСТЛИК РАМЗИ



Бахт-саодат келтирувчи Хумо қуши ҳақидаги афсона ҳаммага маълум.

Россия Федерациясидан келган қурувчилар қардош Тошкентга дўстона ёрдам рамзи сифатида қўйиладиган Ёдгорликни ана шу қуш тимсолида тараннум этадилар. Бир вақтлар зилзила маркази бўлган Қашқар маҳалласида, бугун баланд-баланд уйлар қад кўтариб турган ерда худди шундай Ёдгорлик ўрнатилади. Ҳозир дўстлик рамзи — ёдгорлигининг макети тайёр бўлди. Гарчанд у ҳали қурилмаган бўлсада, бу асар Тошкентдаги энг яхши архитектура обидаларидан бири бўлиб қолади дейиш мумкин.

Ёдгорликнинг ўртасида катта ҳовуз бўлади. Унинг таги ранг-баранг тошлар билан безатилган. Худди гўзал ўзбек гиламини эслатади. Ҳовуз четлари гранит тошлар билан ўралади. Унинг икки четидан рус ва ўзбек халқининг тутташган қўллари каби икки эгик устун қад кўтаради.

Ёдгорликнинг турли вариантлари таклиф қилинган эди. Жумладан қурувчилар қиёфаси, эсдалик хати ёзилган барельеф ва бошқа таклифлар ҳам талабга жавоб бермади. Москва архитекторлари сиз суратда кўриб турган ушбу вариантни таклиф қилдилар. Иккала эгик устун кўл қисишиб турган икки халқ рамзини тасвирлаш билан бирга ўша, машҳур Хумо қушининг қанотларини ҳам эслатади.

Урал кончилари ёдгорликни безатиш учун турли хил гўзал тошлардан жўнатади. Шундай қилиб, ёдгорлик узоқдан рангларида товланиб туради. Ҳовуз остидаги ўзбек гиламини эслатувчи безаклар аса сизни эртаклар оламига киритиб қўйгандек бўлади.

Ёдгорликнинг ўнг томонида «қурувчи — бунёдкордир» деган барельеф қад кўтаради. Чап томонида эса Маяковскийнинг шеъри ёзилади.

Ҳовузнинг чеккаларига 21 мармар устунча ўрнатилади. Булар янги Тошкент қурилишига келган 21 қурилиш-монтаж поездининг рамзи бўлади. Уларга ҳар бир коллективнинг рапорти ёзилади.

Композиция 45 фонтан билан якунланади. Булар Россия Федерациясидаги барча областлар рамзидир. Фонтан сувлари бир оқим бўйлаб ҳаракат қилади.

«Ростшстрой» трестининг бош инженери В.А. Жилин ёдгорлик Россия қурувчилари томонидан тайёрланажагини айтди.

Ҳозирча ёдгорлик қаерга қўйилиши номаълум. Негаки унинг ҳажми катта. Баландлиги тўрт қаватли уйга тенг, ҳовузнинг сатҳи эса 24X15 метр. Ҳар қалай у кўп томондан кўзга ташланиб турадиган жойда ўрнатилади.

Л. ЛИСЕНКО.

Об-ҲАВО — БУГУН —

қор ёғмайди, туман тушади, кечаси 10—12 даража совуқ, кундузи 0—2 даража иссиқ бўлади.

ТЕНГДОШ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Бизга кўрсатилган қардошларча меҳмондўстлик учун ўз номимдан ва менга ҳамроҳлик қилган ўртоқлар номидан энг самимий миннатдорчилигимизни қабул қилгайсиз,—дейди Тодор Живковнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига Софиядан йўллаган табрикномасида.

◆31 январь куни Тошкентда республика халқ контроли органлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирди. Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Халқ контроли органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори муносабати билан республика халқ контроли органларининг вазифалари тўғрисида СССР халқ контроли комитетининг раиси П. В. Кованов доклад қилди. Республика халқ контроли комитетининг раиси М. Турсунов халқ контроли органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришнинг бир қанча актуал масалаларига тўхталиб ўтди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

◆ Кеча Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский билан Жанубий Яман Халқ Республикасининг президенти Қаҳтан Муҳаммад Ашшаабий ўртасидаги музокаралар тугалланди.

◆ КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига партия раҳбарлиги тажрибасини ўрганмоқ учун Совет Иттифоқига келган Чехословакия Коммунистик партиясининг делегацияси 31 январда Ўзбекистон пойтахтига келди. Чехословакиялик меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар.

● *Шаҳримиз корхоналарида*

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Пойтахтдаги заводлар, фабрикалар, фирмаларнинг кўп минг кишилик коллективлари беш йилликнинг ҳал этувчи тўртинчи йили учун ўз имкониятларини белгилаб олмоқдалар. Ҳар бир корхона доҳий В.И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига пухта таиёргарлик кўриш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилгандир.

Давлат план топшириқларининг сўзсиз бажарилиши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бир неча корхоналардан январь ойи плани бажарилганлиги тўғрисида редакциямизга хуш хабарлар келди.

●

МУДДАТИДАН ОЛДИН

1968 йил маҳсулот ишлаб чиқариш планини ортиғи билан ado этган ва пландан ташқари 30 минг сўмликдан зиёд сифатли толалар реализация қилган ипакчилик фабрикасининг коллективи январь ойида ҳам унумли меҳнат қилди. Планни ортиғи билан бажариш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш коллективининг шиори бўлиб қолган.

Фабрикада ўнлаб бригадалар ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилмоқда. Коммунист Саноат Йўлдошева, Ўлмас Сайдалиева ҳамда Рихси Жабборова, Насиба Ахтямовалар бошлиқ пилла пишириш комплекс бригадалари кунлик нормаларини ошириб бажариш билан бирга ипак толасининг сифатига катта эътибор бермоқдалар.

Пиллакашлар январь ойида 4700 килограмм пиллани қайта ишлаб, планни муддатидан илгари ado этдилар. Пландаги 260 минг сўмлик ўрнига 265 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Айниқса, сифат кўрсаткичида катта ютуқларга эришилди.



Тошкент тепловоз депосининг жорий ремонт цехи ишчилари ҳар ойда топшириқни сифатли бажарадилар.
СУРАТДА: мастер Б. Васин бошлиқ ремонтчилар навбатдаги тепловозни созламоқдалар.

● Бир корхона янгиликлари

ЯНГИ УСКУНАЛАР

Тошкент муз комбинати реконструкция қилинмоқда. Комбинатнинг ишлаб чиқариш бинолари капитал ремонтдан чиқарилиб, бу ердаги эски ишлаб чиқариш воситаларини замоман янгилашга киришилди.

Яқинда комбинатга янги поток линиялар келтирилди. Вафли ишлаб чиқарадиган битта поток линия Германия Демократик Республикасидан, мороженое ишлаб чиқарадиган учта поток линия эса РСФСР шаҳарларидан келтирилди.

ЙИЛИГА 1250 ТОННА

Гўшт-сут саноати министрлигига қарашли 9-қурилиш монтаж ва созлаш бошқармасининг азаматлари янги ускуналарни монтаж қилиш ва созлашни йил охиригача тугаллайдилар. Шунда корхона янги хил мороженоелардан йилига 1250 тонна ишлаб чиқара оладиган бўлади.

ДЎСТЛАРИМИЗ ЛОЙИҲАСИ

Комбинатда 3360 тонна гўшт ва сариёғ сақланадиган омбор қурилиши кўзда тутилмоқда. Унинг лойиҳасини Омскдаги «Гипромясо» лойиҳалаш институтининг архитекторлари тайёрламоқдалар. Лойиҳачилар омбор лойиҳасини биринчи кварталнинг охиригача тугаллаш ниятидалар.

ЁЗУВЧИ ВА ЖУРНАЛИСТ ЮБИЛЕЙИ

Таниқли татар ёзувчиси ва драматурги Раим Тинчаров асарларини китобхонлар севиб ўқишади. Ёзувчининг «Ёшлар куйлайди» повести, «Олтойликлар» «Ойнинг 14-куни» саҳна асарлари ҳам кўпчиликка маълум. Р. Тинчаровнинг «Баҳор тонгида» «Чорак асрдан кейин» деб аталувчи повестлари ҳам китобхонлар қалбидан ўрин олган. Ҳа, ёзувчи 40 йилдан бери ҳормай-толмай ижод қилиб, замондошларимизнинг образини бадиий асарларда маҳорат билан яратяпти.

Кеча

Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйи кишилар билан гавжум бўлди.

Кечада ёзувчининг дўстлари ҳамкасблари сўзга чиқиб Р. Тинчаровни туғилган кунининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллиги билан табриклаб, юбилярга сиҳат-саломатлик тиладилар. Унга қимматли эсдалик совғалари топширилди.

«Қайтарма» ансамблининг артистлари ўзларининг энг яхши куй ва қўшиқлари билан кечанинг файзига файз қўшдилар.

●

ДИПЛОМ ОЛДИ ПРАКТИКАСИГА

Тошкент политехника институти кимё-технология факультетининг бешинчи курс студентлари диплом олди практикасига жўнаб кетдилар. Студентлар ўз практикаларини Москва, Ленинград, Кемерово, Ангарск каби жойлардаги йирик кимё корхоналарида ўтказадилар. Бир ярим ойлик практика даврида бўлажак инженерлар ўзларининг диплом лойиҳалари учун материаллар йиғадилар.



Октябрь районидаги 75-сайлов участкаси ҳамиша гавжум. У ерда 123-мактаб ўқитувчилари сайловчилар билан суҳбат ўтказадилар, лекция ўқийдилар.
СУРАТДА: сайлов участкаси ҳузуридаги агитпунктнинг мудири Ваҳоб Холматов агитаторлар билан навбатдаги суҳбатни ўтказмоқда.
Р. Альбеков фотоси.

ҲАФТАЛИК ОЛДИДАН

Алишер Навоий номли халқ кутубхонасида республикамизда бўладиган қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги олдидан китоб кўргазмаси очилди. «Қорақалпоқ ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилида», «Ўзбек ёзувчиларининг асарлари қорақалпоқ тилида», «Қорақалпоқ ёзувчиларининг асарлари рус тилида» ва «Қорақалпоғистон санъати» деган бўлимларнинг экспонатлари ўқувчиларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

КАТТА ҲАШАР

ШАҲРИМИЗ ДА катта ҳашар давом этмоқда. Шаҳарликлар ер техника ёрдамида майдонларни қордан тозаламоқдалар.

Шаҳар ободончилик бошқармасининг бошлиғи Ш. Исломовнинг айтишига кўра ҳозир 200 тозалаш механизми, 600 автомашина ва 15 минг киши шаҳарни тозалаш билан банд.


Янгиобод, Қувурариқ, Ильич, Титов ва бошқа маҳаллаларда 1 ярим мингдан ортиқ одам ишлаяпти,— дейди Чилонзор район коммунал хўжалигининг бошлиғи ўртоқ Ғаниев. Самарқанд дарвозаси кўчаси бўйлаб борар эканмиз, у ерлар қордан мутлақо тозаланган, йўлаклар очиб қўйилган, Гулхона, Огаҳий кўчалари қордан тозаланган. Бу ерда Титов номли маҳалла аҳолиси ишлади.

Тошкент «Черемушка»сида минглаб кишилар шанбаликка чиқиб, ўнлаб механизм ва ағдарма машиналар ишламоқда.

Суратларда: шаҳримиз қордан тозаланяпти.

М. Нуриддинов
фотолари.





МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов ўтказиш ҳақидаги «Низом»нинг 46 ва 47 моддасига биноан Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамоатчилигининг қуйидаги вакилларидан сайланиши тасдиқлансин:

ЛЕНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси —**Назаров** Маъруф — «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ястребков** Валентин Яковлевич — «Ташкентская правда» газета редакцияси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Абдусаматова** Муҳаддас — «Ёш ленинчи» газета редакцияси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Халеева Вера Степановна — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти комсомол ташкилотидан.

Дворцов Геннадий Алексеевич — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти ишчилари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Хўжаев** Содиқ Хўжаевич — Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Акбаров** Умар Асқарович — «Узэнергосбит» ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимларидан.

Секретарь — **Власова** Людмила Валеревна — «Стройкомплект» трести касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Сунгалеева Рашида Абубакировна — «Узэнергосбит» комсомол ташкилотидан.

Гольдман Алла Романовна — Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги касаба союз ташкилотидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ҳамдамова** Муслима Маҳмудовна — Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Бельский** Станислав Михайлович — Марказий универсаль магазини коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Охунова** Карима — Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Салохина Валентина Матвеевна — Марказий универсаль магазини коллективидан.

Прорехин Михаил Михайлович — Ленин номидаги якка буюртмалар фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Абдураззоқов** Абдураим — САИГИМС институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Азин** Валерий Николаевич — САИГИМС институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Волошина** Лилия Борисовна — САИГИМС институти илмий ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Иброҳимов Фарҳод — В. И. Ленин номидаги электрон техникаси заводи комсомол ташкилотидан.

Холодкова Людмила Викентьевна — Тошкент геология трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

5-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Сураев** Николай Фёдорович — «Узглавлесстрой» коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Панченко** Антонина Никитична — республика тери касалликлари диспансери касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Мирзабоева** Светлана Эрматовна —Ўзбекистон тери касалликлари илмий тадқиқот институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Исроилов Мустақим — район ошхоналар трести ишчилари, инженер-техник ходимлари коллективидан.

Козлова Татьяна Ивановна — район ошхоналар трести комсомол ташкилотидан.

6-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Саъдуллаев** Сайфиддин — шаҳар аптека бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Теплякова** Мария Яковлевна — шаҳар аптека бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Ступкина** Людмила Евгеньевна — 2-автомобил-ремонти заводи комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Тўйчиев Ўринбой — 2-автомобиль ремонти заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Умеркаев Анвар Исматуллаевич — 2-автомобиль ремонти заводи коммунистик ташкилотидан.

7-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Охунов** Неъмат—Тошкент область матлубот жамияти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Коснинский** Виктор Александрович — Тошкент область матлубот жамияти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Викулова** Раиса Владимировна — Тошкент область матлубот жамияти комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Муҳиддинова Майрат Тўхтаевна — Модалар уйи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Мирназаров Ҳуррам — Модалар уйи коммунистик ташкилотидан.

8-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ким** Анатолий Николаевич — Тошкент шаҳар медицина билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Егоров** Геннадий Константинович—«Қизил тонг» фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь — **Абдураҳмонова** Ҳабиба Абдураҳмоновна — Тошкент шаҳар медицина билим юрти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Авазов Асаджон Қодирович — «Қизил тонг» фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Криволапова Евдокия Павловна—«Главташкентстрой» медицина санитария қисми касаба союз ташкилотидан.

9-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Глотова** Мария Архиповна — 1-нон заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Назирова** Вазира — 1-нон заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Ҳалилов** Мажид — 1-нон заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Каримова Роза — Тошсовет номидаги касалхона комсомол ташкилотидан.

Матқулова Хайринисо —Тошсовет номидаги касалхона комсомол ташкилотидан.

10-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Турсунов** Йўлдош политехникум коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Иброҳимов** Туйғун Иброҳимович—политехникум ўқитувчилари коллективидан.

Секретарь— **Титова** Ольга Ивановна — политехникум комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Чайковская Вера Александровна — Тошсовет номидаги касалхона коммунистик ташкилотидан.

Болотов Пётр Трофимович — Тошсовет номидаги касалхона коммунистик ташкилотидан.

11-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Исломов** Насриддин Шамсуддинович — шаҳар қурилиш трести коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Крапивин** Дмитрий Васильевич — «Подъёмник» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь— **Богдашов** Николай Владимирович — шаҳар қурилиш трести касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абрамова Валентина Семёновна — «Подъёмник» заводи комсомол ташкилотидан.

Шетенин Михаил Андреевич — Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари ва аралаш ем саноати министрлиги хизматчиларидан.

12-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Анпилов** Анатолий Петрович — Тошкент темир йўли бўлими коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари —**Эшмуҳамедов** Абдулла — «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти ходимларидан.

Секретарь — **Дадақўзиева** Сабура Маматқуловна — Тошкент темир йўли бўлими касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Головастикова Ольга Фёдоровна — 14-Марказий омонат касса ходимларидан.

Паршкова Валентина Николаевна — Тошкент темир йўли бўлими коллективидан.

13-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Васильев** Владимир Павлович — Тошкент темир йўли бўлими ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари — **Қосимова** Муаттар Маҳрудовна — 3-болалар темир йўли касалхонаси медицина ходимларидан.

Секретарь — **Захаричева** Елена Николаевна — Тошкент темир йўли бўлими касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мансуров Сайфулла — Давлат банкаси Ленин район бўлими ходимлари коллективидан.

Извеков Николай Фёдорович — Тошкент темир йўли бўлими коммунистик ташкилотидан.

14-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Мирзажонов** Пўлат—2-поликлиниканинг касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Спиридонова** Надежда Александровна 6-босмахона комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Прядко** Сарра Ефремовна — каноп фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Иноғомов Омонулла — 6-босмахона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Баримаева Тансия Дмитревна — 3-болалар юқумли касалхонаси коммунистик ташкилотидан.

15-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Шамсуддинов** Садриддин — «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Ефимова** Зоя Васильевна — «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Стукалова** Валентина Владимировна — «Учқун» тўкимачилик-галантерея фирмаси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Миркаримов Турсун — почта юкларини элтувчи Тошкент бўлимининг коммунистик ташкилотидан.

Сорокина Раиса Николаевна—почта юкларини элтувчи Тошкент бўлими ходимлари коллективидан.

16-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Садриддинов** Бадриддин — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси вагон хўжалиги хизмати коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Комилов** Шукур Туробович — электрон техникаси заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь — **Басова** Эмма Сергеевна — 64-ишчи-ёшлар мактаби касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Рицева Людмила Павловна — электрон техникаси заводи комсомол ташкилотидан.

Нуриддинова Зироат —40-мактаб касаба союз ташкилотидан.

17-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Юсупов** Шавкат —Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси техника бўлими коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Фарзалиева** Шокат Раҳмоновна — 64-ишчи-ёшлар мактаби касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Ситфулина** Ляля Габдулбаровна — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Содиқов Ёқуб — электрон техникаси заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ким Людмила — электрон техникаси заводи комсомол ташкилотидан.

18-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Савин** Владимир Петрович — «Ташхимсельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари —**Фларинская** Людмила Пантелеевна— 31-ГПТУ касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Ибатулина** Аида Габайдуллаевна — «Ташхимсельмаш» заводи ишчи, ИТХ ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Алимов Носир Комилович — «Ташхимсельмаш» заводи комсомол ташкилотидан.

Ортиқов Турсун Зокирович — «Ташхимсельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

19-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Мингулов** Одил Ҳакимович — тажриба механика заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ғиёсова** Рита Насриддиновна — «Уздорресторан» трести касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Вастанева** Надежда Спиридоновна — тажриба механика заводи комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Гельмуддинова Солиха — тажриба механика заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Жарикова Татьяна Николаевна — «Автрансстрой» трести касаба союз ташкилотидан.

20-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Сукнин** Виктор Васильевич — «Ташхимфарм» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Лебедик** Таисия Андреевна — «Ташхимфарм» заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Азизова** Фотима — «Ташхимфарм» заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абдуолимов Мажид—«Ташхимфарм» заводи коммунистик ташкилотидан.

Низомиддинов Рафқат Иброҳимович — «Ташхимфарм» заводи касаба союз ташкилотидан.

21-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Чукарин** Борис Алексеевич — граждан авиация бўлинмаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Яшин** Юрий Иванович — граждан авиацияси бўлинмаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Лутфиддинов** Раҳимжон — граждан авиацияси бўлинмаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мирқосимова Мавжуда — граждан авиацияси бўлинмаси касаба союз ташкилотидан.

Солиев Муҳаммадқул — граждан авиацияси бўлинмаси касаба союз ташкилотидан.

22-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Танкелевич** Мария Абрамовна — граждан ҳаво флоти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ветюшкова** Нина Дмитриевна — граждан ҳаво флоти бўлинмаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Бекназаров** Раззоқ — граждан ҳаво флоти бўлинмаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Хусанов Аброр Галиевич — граждан ҳаво флоти авиа бўлинмасининг бирлашган касаба союз ташкилотидан.

Ҳамроқулов Исмоил Воситович граждан ҳаво флоти бўлинмаси комсомол ташкилотидан.

23-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Арзяев** Валентин Петрович — ГХФ авиа ремонти заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Левин** Евгений Моисеевич — граждан ҳаво флоти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Токарев** Сергей Васильевич — ГХФ авиа ремонти заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Зухарова Зуҳра Зоировна — «Узэнергосбит» ходимлари коллективидан.

Ражабова Тухра — «Узэнергосбит» комсомол ташкилотидан

24-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Раззоқов** Аҳад Маннапович — 122-мактаб партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Добрниченко** Александра Павловна—Крупская номли Пионерлар саройи касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Неъматов** Қобил — пахта целлюлозаси илмий текшириш институти партия ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Паншкова Любовь Ивановна— пахта целлюлозаси илмий текшириш институти ходимларидан.

Содиқова Дилбар — 122-мактаб касаба союз ташкилотидан.

25-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Неъматов** Қобил —пахта целлюлозаси илмий текшириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Рубежанская** Юлия Валентиновна — 17-ишчи ёшлар мактаби ўқитувчиларидан.

Секретарь —**Саплошкина** Клавдия Фоминична — 17-ишчи ёшлар мактаби касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Вайсман Герман Николаевич— «Ремточмех» комбинати коммунистик ташкилотидан.

Хасанхонова Гулнора — пахта целлюлозаси илмий текшириш институти комсомол ташкилотидан.

26-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Духно** Александр Иванович — «Ташгипротранс» институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шикулин** Константин Васильевич — Тошкент сигнализация ва алоқа дистанцияси комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Воробьёва** Зоя Ефимовна — «Ташгипротранс» институти ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Йўлдошев Ориф — пахта целлюлозаси илмий текшириш институти ходимларидан.

Комарова Людмила Александровна — «Ташгипротранс» институти касаба союз ташкилотидан

27-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Новикова** Александра Васильевна — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Дадажонова** Мавлудахон Мансуровна — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Акрамова** Муҳаббат — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Тожиев Шавкат Тожиевич — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Андреева Наталья Олеговна — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти комсомол ташкилотидан.

28-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Борисов** Георгий Кононович —Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Рокан** Татьяна Константиновна — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Валиев** Ғаффор Валиевич — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти касаба союз ташкилотидан

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Саидхонов Маҳмуд — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Абулғозиев Нурали Қурбалиевич — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти комсомол ташкилотидан.

29-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси— **Медведьев** Дмитрий Иванович — 47-ишчи ёшлар мактаби касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Усмонова** Матлуба — Тошкент пассажир станцияси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Жонбоев** Унус — Тошкент йўл дистанцияси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Акбаров Шароф — Тошкент пассажир станцияси ходимларидан.

Лосьева Валентина Георгиевна — 121-мактаб касаба союз ташкилотидан.

30-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Боркина** Александра Ивановна — Тошкент пассажир станцияси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Раимов** Исроил — Тошкент йўл дистанцияси ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь — **Бочкарева** Вера Петровна — Тошкент йўл дистанцияси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мирсодиқов Мирхалил —Тошкент пассажир станцияси ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Холбеков Раҳмат — Тошкент йўл дистанцияси касаба союз ташкилотидан.

31-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Голиков** Вячеслав Петрович — темирйўл транспорти техникуми коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шоабдиев** Ўткир Шоабдиевич — Темир-йўл транспорти техникуми коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Уткина** Ольга Анатольевна — «Узгипросельстрой» институти филиали касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Зокирова Азиза — «Узгипросельстрой» институти филиали комсомол ташкилотидан.

Қодиров Ҳусан Холматович — 143-автобаза ходимларидан.

32-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Муртазин** Галим Мустафьевич — Тоштрам ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Раис ўринбосари — **Айзиме** Александр Григорьевич — 1-психо-неврологик шифохона даволаш меҳнат устахонаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь —**Бедриддинова** Комила Зудиновна — 4-туғруқхона касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Дадахўжаева Тожи — 1-психоневрологик шифохонаси ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Юдина Лидия Ивановна — Тоштрам комсомол ташкилотидан.

33-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Бадалов** Рубин Тигранович — индустриал техникум коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Наврўзбоев** Турсун — Индустриал техникум комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Айрапетова** Нора Григорьевна — 75-қурилиш бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Дасов Борис Константинович— 75-қурилиш бошқармаси ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Нафикова Назира Умурзоқова — 75-қурилиш бошқармаси ташкилотидан.

34- САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси— **Низомов** Суюн—Тошкент шаҳар Ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармаси комсомол ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Асадуллаев** Абдусамад Абдулаҳатович — 1-авторемонт заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь— **Фролова** Людмила Дмитриевна — 1-авторемонт заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Турсунов Сандали — 1-авторемонт заводи ишчилари, инженер техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Филимонова Ольга Андреевна—«Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистик ташкилотидан.

35-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Бошевой** Валерий Николаевич— Тошкент шаҳар Ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Петров** Георгий Иванович — «Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Секретарь — **Феоктистова** Роза Васильевна — 1-авторемонт заводи комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Издибоев Ҳусан Султонович — 1-авторемонт заводи коммунистик ташкилотидан.

Зотова Нина Ивановна — 1-авторемонт заводи касаба союз ташкилотидан.

36-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Деревянкин** Василий Алексеевич — «Горавтодормехбаза» коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Тоиров** Маҳамад — «Горавтодормехбаза» коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Акопян** Сергей Авафимович — «Горавтодормехбаза» касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Деҳқонов Икром — электротехника заводи коммунистик ташкилотидан.

Игнатовская Наталья Ефимовна — электротехника заводи комсомол ташкилотидан.

37-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Решетников** Иван Петрович — Электротехника заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Коночкин** Николай Иванович — электротехника заводи касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Мирзаев** Жалол Мажидович — электротехника заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Амирбеков Ахрор — «Горавтодормехбаза» касаба союз ташкилотидан.

Раҳимов Илёс Каримович — 3-қурилиш бошқармаси комсомол ташкилотидан.

38-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Коченова** Евгения Андреевна — 2-мактаб интернат коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Одинцова** Тамара Аркадьевна — 3-автокомбинат ишчилари номидан.

Секретарь — **Ломакина** Нинель Назаровна — 2-мактаб - интернат касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Тўхтахўжаев Мақсуд — 3-автокомбинат касаба союз ташкилотидан.

Ғуломов Турсун — 3-автокомбинат коммунистик ташкилотидан.

39-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округи сайлов комиссиясининг раиси — **Йўлдошев** Абдураҳим— «Гордорстройремонт» трести коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Фахриев** Искандар — 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Монашеров** Эмануэль Вениаминович — «Гордорстройремонт» трести коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Варшурина Вера Фёдоровна — «Средазтрансстрой» механизация бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Кабанов Семён Иванович — 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи касаба союз ташкилотидан.

40-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Жаворонков** Юрий Арефьевич — «Энергоналадка» ишлаб чиқариш муассасаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Солнев** Одил Ғаниевич — «Энергоналадка» ишлаб чиқариш муассасаси ишчи ва инженер-техник ходимлари номидан.

Секретарь — **Тюрин** Викул Алексеевич — «Энергоналадка» ишлаб чиқариш муассасаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Глибченко Лидия Гордеевна — «Авторемзавод» — ходимлари номидан.

Кургузов Николай Фролович Авторемзавод коммунистик ташкилотидан.

41-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Соколова** Людмила Васильевна — 44-ишчи-ёшлар мактаби касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Сарокина** Тамара Иосиповна — шаҳар Ижроия комитети маданият бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Чурикова** Полина Николаевна — Шаҳар Ижроия комитети маданият бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Жўраев Ортиқ Қосимович — ДОСААФ Авиа клуби касаба союз ташкилотидан.

Усмонов Юсуф — ДОСААФ шаҳар комитети касаба союз ташкилотидан.

42 - САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Азизов** Сабри Осмонович —ДОСААФ шаҳар комитети коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Қамбаров** Усмонали — Октябрь революцияси номидаги завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Секретарь — **Коверченко** Надежда Григорьевна — Октябрь революцияси номидаги завод касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Сергеева Лариса Сергеевна — Октябрь революцияси номидаги завод комсомол ташкилотидан.

Девятов Альмир Ибрагимович— Октябрь революцияси номидаги завод касаба союз ташкилотидан.

43 . САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Титов** Вадим Иванович — 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Раис ўринбосари — **Турсунов** Мирхамид Хидоятович — «Ташсантехгазмонтаж» трести коммунистик ташкилоти номидан.

Секретарь — **Кабанова** Татьяна Сергеевна — «Ташсантехгазмонтаж» трести комсомол ташкилоти номидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Оленева Фаина Иосиповна — «Узгосфилармония» ходимлари номидан.

Бабанов Николай Корнеевич — 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан

44-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Лепченко** Евгений Карпович — 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Раис ўринбосари — **Обидов** Акбар Юсупович — «Ташсантехгазмонтаж» трести коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Сверчкова** Галина Ивановна — 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Хўжаев Хамид — «Узгосфилармония» касаба союз ташкилотидан.

Григас Валерия Викторовна — «Ташсантехгазмонтаж» трести монтаж бошқармаси ишчилари инженер - техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

45-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Тиллахўжаев** Зайниддин Нуриддинович — УзССР Савдо министрлиги товарлар сифатини текшириш Давлат инспекцияси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Домникова** Галина Ивановна — «Гулнора» қаҳвахонаси ходимлари номидан.

Секретарь — **Кошкинская** Валентина Илларионовна — УзССР Савдо министрлиги товарлар сифатини текширувчи давлат инспекцияси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Волошина Лидия Павловна — 93-спецтрест касаба союз ташкилотидан .

Пашков Анатолий Васильевич — «Узсельэлектрострой» трести ПМК Коммунистик ташкилотидан.

46 - САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссияси раиси — **Козлов** Олег Михайлович—кабель ва радиореле магистраллари бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Раис ўринбосари — **Суюнов** Хазратқул Ҳамроевич — «Узкоопстроймонтаж» ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Секретарь — **Будьяк** Нина Николаевна — кабель ва радиореле магистраллари бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абдуллаева Ойтўра — Ўрта Осиё темир йўли Ҳамза станцияси коммунистик ташкилотидан.

Данилов Пётр Павлович — «Ташхозкультторг» 56-магазини ходимлари номидан.

47-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Орипов** Убайдулла Аҳмаджонович — «ТашгорПЭС» ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Раис ўринбосари — **Ашрафхонов** Баҳодир Инсофович — «ТашгорПЭС» комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Лукичева** Зинаида Дисановна — «ТашгорПЭС» касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Тулбасиев Беркинбой — «ТашгорПЭС» коммунистик ташкилотидан.

Стеблянская Людмила Фёдоровна — «ТашгорПЭС» комсомол ташкилотидан.

48-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Сиддиқова** Карима— 214-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Саидова** Матлуба Алиевна — «Красная заря» фирмаси 2-филиали ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Секретарь — **Тростянецкий** Семён Борисович — «Красная заря» фирмаси 2-филиали касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ким Арина Ильинична —«Ташкомиссионторг» комсомол ташкилотидан.

Милончик Гари Данилович — «Ташкомиссионторг» ходимлари коллективи номидан.

49-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Храпан** Иван Францевич — 3-таксамотор парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Раис ўринбосари — **Насриддинов** Ориф Минбоевич — 3-таксамотор парки коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Пушкарская** Галина Витальевна — 3-таксамотор парки комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Кислицина Александра Петровна — 218-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Низомхўжаев Жамол — А. Навоий номидаги опера ва балет театри касаба союз ташкилотидан.

50-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Холматов** Соли — Тошкент шаҳар ижроия комитети шаҳар статистика бошқармаси комсомол ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Режаматов** Марат — 213-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Ким** Моисей Иванович — 213-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Варжепетян Пайлацун Акбаровна — «Спецработ» бошқармаси ишчилари, инженр-техник ходимлари ва хизматчилари номидан.

Тевасова Эмма Вениаминовна — «Узвторчермет» бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

(Давоми бор).

Шанба оқшоми

Т. СЕЙТЖОНОВ

ТЕПАМИЗДА ЮЛДУЗ БОҚАРДИ

Тўлин ойга мисоли посбон —
Тепамиздан юлдуз боқарди.
Қалбимизда кўтариб туғён,
Ишқимизни нур-ла чайқарди,
Сабр қалқарди..

Ой нуридан дурра ёпиниб,
Зўрғагина сирлаша олдик.
Қўш магнитдай кўнгил топишиб,
Иковлашиб бир бўса олдик —
«Балога» қолдик.

Йўлларимиз ҳам жуда олис,
Курашларга анча бой эди.
Бироқ, бизнинг аҳду вафомиз —
Мустаҳкам зўр тоғлардай эди, —
Кўнгил жой эди.

Белни боғлаб қутлуғ сафарга,
Бирга-бирга қадам ташладик.
Парво қилмай хавфу хатарга,
Юракни машъалдек ушладик,
Сира шошмадик.

Чин вафодан топиб даракни,
Чўғ юрагим топширдим сенга,
Сен ҳам менга тутдинг юракни.
Тенгинг топки, ўхшасин менга,
Ухшасин менга!.

Чин орзулар туғанмас тамом,
Эзгу йўллар қолмас беқадам.
Соф севгинг пок тутарман мудом,
Содда севгим хўрлама эркам,
Хўрлама эркам!

Тўлин ойга мисоли посбон —
Тепамиздан юлдуз боқарди,
Қалбимизда кўтариб туғён,
Ишқимизни нур-ла чайқарди,
Сабр қалқарди...

Қорақалпоқчадан
М. ҲАЙДАРОВ таржимаси

Т. ЖУМАМУРОДОВ

ТЎРТЛИКЛАР

«Ақлliman дўстим, ишон» — деб
Ўзимни ҳеч доно демасман.
Ўзимда ҳам камчиликлар кўп,
Қочмайман ҳеч қутлуғ кенгашдан.

***

Бола деса, ихлос нега ортади,
Гоҳ қойисам, муҳаббатим бор яна..
Нима сабаб борлигини билмадим,
Меҳр-гиёси юрагимни тортади.

Қорақалпоқчадан
Ш. ТУРОБ таржимаси





• *Экран янгиликлари*

ЧОРВЕН ВА МЮЗАК

(Астрид Линдгреннинг ҳикояси асосида)
Сценарий автори Висла Лениндаль
Режиссёр Улле Хельбом
Оператор Калле Бергхольм

«Артфильм» киностудияси маҳсулоти. Швеция.

«Чорвен ва Мюзак» «Биз Сальткрокликмиз» циклига кирувчи учинчи фильмдир. Бу цикл «Кичкинтой Чорвен, Боцман ва Мозес» фильми билан бошланган эди. Бу картинанинг биринчиси бизнинг экранларимизда кўрсатилган эди. Бу фильмларнинг ҳаммаси швед ёзувчиси Астрид Линдгрен хонимнинг асарлари асосида яратилган. Унинг асарлари ўз ватанида фақат болалар ўртасида эмас, катталар орасида ҳам жуда шуҳрат қозонган.

Ёз кунларидан бирида Қарға ороли оромгоҳ жойлардан бирига айланади. Фильм воқеаси мана шу жойда содир бўлади. Ота-оналар ўз болалари учун ўйин кулги тортиқ қилмоқчи бўладилар. Бу ташаббусни Мелькер кўтариб чиқади. Кекса Вестерман бу ишни унча ёқтирмайди. Бу кишига хушчақчақлик, хурсандлик, кўнгил хушлик ёқмайди.

Мелькер жуда доно одам. У кишилар кўнглини кўтариш, руҳлантиришни, шод қилишни жуда яхши билади. Ахир болалар қалбига йўл топиш фақат совға-салом билан бўлмайди-ку! Уларга шодлик, хушчақчақлик ҳадя этмоқ даркор.

Саргузашт бошланиб кетади. Болалар иккига бўлиниб, эски кемада бекинмачоқ ўйнайдилар. Кеманинг номи «Альбертина» эди. Иккинчи группа болалар балиқчининг эски кулбасига яширинадилар.

Улар оддий бир тош топиб оладилар. Бу тош болалар тасаввурида ажойиб бир мўъжизага айланади.

Болалар бир-бирларининг планларини билиб олиш учун турли-туман ажойиб-ғаройиб ишларни амалга оширадилар.

Ўйин кунидан ота-оналар ҳам, болалар ҳам жуда мамнун бўладилар.

Экранда ўтмишдошларимиз

«Ўзбекфильм» киностудиясида ижодий иш қизғин. Бу ерда янги-янги бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилмоқда. Яқинда республика экранларига ўзбек киночиларининг «Эстон санъати ва адабиёти декадаси» ҳужжатли фильми чиқарилади. Фильм режиссёри Л. Расулов, операторлар Л. Бобожонов, М. Исмоилов, Н. Азимов.

Шу кунларда яна бир ҳужжатли фильм тугалланиш арафасида турибди. Бу фильм Иттифоқ Большой театрининг Тошкентдаги гастроллари ҳақида ҳикоя қилади. Фильмни режиссёр С. Давлатов, операторлар М. Исмоилов, Н. Давкаровлар суратга олишган.

Шу йил баҳорда қадимий обидалар шаҳри Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланади. Бу катта тантанани киночиларимиз ҳам муносиб кутиб олишади. Режиссёр Латиф Файзиев 5 новелладан иборат тарихий бадиий фильмни суратга олишга тайёргарлик кўрмоқда. Кинода Самарқанднинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Режиссёр постановкачи Шуҳрат Аббосов эса буюк ўзбек олими Беруниййнинг ҳаёти ҳақида кино яратишга тайёрланмоқда.

Режиссёр постановкачи З. Собитов Улуғ Ватан уруши йилларини тасвирловчи фильмни И. Луговский сценарийси асосида суратга олишга тайёрланмоқда. Фильм шартли равишда «Уч бор ўлдирилган» деб аталади.

ХАНДАЛАР

Умарбекнинг ўғли бир куни:
— Дада, иштонимни бошимнинг остига қўйиб ётсам нима бўлади? — деб сўрапти. У «иштонингни бош остига қўйсанг гуноҳ бўлади» деб юраркан.

— Нимаям бўларди, бўтам, илгарисидан баландроқ бўлади-да! — деб жавоб берипти Умарбек.

***

Бир куни Умарбек бозор айланиб бориб, охирида мева бозорига бориб қолипти.

— Сотаётганинг нима? — деб сўрапти олмафурушдан.

— Олма! — депти олмафуруш.

— Олганда нима қиладинг! — деб катта бир олмани олиб йўлда давом этипти.

ЖАВОБ БЕРИНГ


Сиз ҳулқи-авторингиз ва нима учун сизни атрофдагилар ҳурмат қилишини билгингиз келади. Шундай экан, қўлингизга қоғоз, қалам олиб, саволларимизга жавоб беришга ҳаракат қилинг. Ҳар битта жавобингиз маълум очко билан белгиланади.

Биринчи топшириқ

	Ҳа	Йўқ
Уйингизда парранда, балиқ ёки уй ҳайвонлари (мушук, кучук) борми?	3	1
Яқинларингизга хат ёзишни ёқтирасизми?	1	2
Сизни китобхон дейишадими?	1	4
Замонавий қўшиқларни севасизми?	3	1
Қонни кўрганингизда қўрқасизми?	4	1
Спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланасизми?	1	2
Пулингизни тўғри сарфлай оласизми? (қарзга ботмасдан тура оласизми?)	2	3
Отпускангиз вақтида тинч, сокин жойларда дам олишни хушлайсизми?	1	4
Очиқ рангларни яхши кўрасизми?	4	1
Қўрқинчли тушларни тез-тез кўриб турасизми?	1	3
Узоқ ўйламай туриб сиз учун энг яқин бўлган ўн одамнинг исмини айта оласизми?	3	1

Очколарингизни жамлаб чиқинг.

Иккинчи топшириқ



А шаклининг ўртасидаги сурат доирага қаламингизнинг учини қўйиб туриб кўзингизни юминг ва олтита икс (Х) шаклини чизинг. Белгиларни доиранинг ичига жойлаштиришга интилинг.


Б шакли билан ҳам худди шундай машқ ўтказинг. Белгиларингизни тўрт бурчак ичига сиғдиришга уриниң.

Бир ёки ундан ортиқ белгингиз доира ёки тўртбурчак чизиғига тушиб қолса, ҳар битта белгингиз ўн очкодан ҳисобланади.

Агар бир ёки бир неча белгингиз доира ёки тўрт бурчакдан ташқарига чизилиб қолса, ҳар битта белгингиз беш очкодан ҳисобланади.

Ҳамма белгиларингиз доира ёки тўрт бурчакнинг ичига ёзилган бўлса, 0 очко бўлади.

Учинчи топшириқ



Мана кўз олдингизда тўрт кишининг юзи турибди. Сиз ўз ишингизни шуларнинг қайси бирига ишониб топширар эдингиз? Агар А га топширсангиз — 1, Б га топширсангиз — 10, В га топширсангиз — 6, Г га топширсангиз — 15 очколи бўласиз.

Энди учала топшириқдан олган очколарингизни жамланг ва жавобларни ўқинг.

77 ва ундан ортиқ очко олган бўлсангиз сиз ҳамма одамларнинг яхшилигига ишонасиз. Сизни биров хафа қилса ёки бировдан кўнглингиз қолган бўлса ҳам барибир улар ҳақида яхши фикрда бўлаверасиз. Қалбингиз романтика, поэзия ва яхшиликка тўлиб-тошган бўлади.

67—76 очко олган бўлсангиз, сиз жуда бардошли одамсиз. Ҳар бир ишга масъулият билан қарайсиз. Атрофингиздагилар сизга бемалол ишонишлари мумкин. Бир сўзли, ваъдага вафо қилувчан садоқатли одамсиз.

56—66 очко олган бўлсангиз, ниҳоятда жиддий одамсиз. Шу сабабли ҳам сизни ҳурмат қиладилар. Сиз қийинчиликдан қўрқмайсиз. Қийин ишдан ўзингизни панага олишга эмас, аксинча уни бажаришга уринасиз.

43—55 очко олган бўлсангиз сиз одамларни ниҳоятда севасиз. Истаган одам билан тил топиб кета оласиз. Мабодо муносабатлари н г и з ўзгариб қолгудай бўлса, унга унчалик эътибор бермайсиз.

31—42 очко олган бўлсангиз, сиз ҳаётнинг нашъасини сура оласиз. Ҳазил-мутойибани яхши кўрасиз. Мушкул аҳволга тушиб қолганингизда ҳам тушкунликка тушмайсиз.

20—30 очко олган бўлсангиз ақлли ва таъсирчансиз. Ҳаётингизда қийинчиликлар содир бўлганда ҳам ўзингизни йўқотиб қўймайсиз. Жуда мулойимсиз. Одамларни яхши танийсиз. Уларга оқилона, ўйлаб баҳо бера оласиз.

21 ва ундан кам очко олсангиз гапларингиз ниҳоятда мантиқли ва серқаракат одамсиз. Олдингизга қўйган мақсадингизга албатта эришасиз. Ҳаётда нима истаётганингизни жуда аниқ биласиз. Одамларга сизнинг ташкилотчилик қобилиятингиз, иродалилигингиз ёқади.

«Работница» журналидан.

Хотиннинг исёни

Хажвий ҳикоя



Ҳафтада икки кун дам олиш роҳати жон бўлди. Бугун шанба. Эртага якшанба. Тағин беш кундан кейин айланиб келиб турипти, жонивор. Маза!

Яширмайман, бошда қўшалоқ дам олиш кунларини қандай ўтказишни билмай довдираб қолдик. Завкомга бу соҳада абжир ва талантли кишиларни сайлаган эмасмизми, калаванинг учини топиб беришди.

Заводнинг клубини жиҳозлаб юбордик. Шахмат, шашка, биллиард мусобақаси ўтказдик. Рубоб, гармон, гитара, чилдирма сотиб олдик — тўгарак ташкил қилмоқчи эдик, бўлмади. Бу масала кенгайтирилган завком йиғилишида бир неча қайта қизғин муҳокама қилинди, лекин чилдирмадан ташқари музика асбобини биладиган талантлилар чиқмади орамиздан.

Бу режамиз амалга ошмаган бўлса ҳам, барибир дам олиш шакллари ва услубини такомиллаштиришдан тўхтамадик. Коллектив бўлиб театр, кинотеатрларга тушдик. Кўҳна Урганч, Хива, Қирққиз воҳаси каби қадимги шаҳарлар, диққатга сазовор тарихий жойларга саёҳат уюштирдик. Овга чиқдик. Коллективимиздаги Жума ака, Ёқуб дойлилар каби қари-қартанглар ҳисобига ёш овчилар етиштирдик, овчилар сафини кенгайтириб юбордик.

Бугун шанба, эртага якшанба, ҳар беш кунда мана мен деб келиб турипти жонивор. Ҳар кун бир хил овқат меъдага текканидан бир хил дам олиш, ҳатто овчилик каби серзавқ ҳордиқ чиқариш татимай қолади. Бунинг ҳам йўлини топдик. Машҳур слесарь, шаҳар Советининг депутати Матюсуп Сафоевнинг туғилган кунини, атоқли токарь Матсафо аканинг олтинчи разряддан еттинчи разрядга ўтказилиши ва заводдаги меҳнат фаолиятига ўттиз йил тўлган кунни зўр қониқишлар билан муддатидан илгари нишонладик. Матсафо ака биркитилган шогирд боланинг маошини, Абдулланинг янги сотиб олган баллон плашчини ва ниҳоят овчилар сафига қўшилган Жума ака билан Ёқуб дойлилар отган илк ўлжаларни ювдик. Ҳаммасида аввало завком, қолаверса каминаларнинг ўзлари ташаббускорлик кўрсатдилар, албатта.

Куз билан қишни, баҳорнинг бир қисмини ана шундай дўндириб ўтказдик. Лекин бугун шанба, эртага якшанба —ҳадемай келиб турипти. Хайрият сув қизиб дарё ва кўлларда балиқлар юриб кетишди. Балиқ овини бошлаб юбордик. Унинг гаштига нима етсин!

Жума кунимни—ишдан кейин узун сопли қармоқларни, қўлбола фанер қайиқ, пуфакдек шиширилиб ўртасидан бўғиб мосланган баллон қайиқларни, икки кунлик озиқ-овқатни машинага ортиб Шўр кўлгами, Қалъажиққами, Уйғур кўлигами қараб ҳайт деймиз.

Мовий кенгликлар денгиздай чайқалиб, ойнадай ярқираб, сатҳига олмос сочиб юборгандай жимирлаб баҳри дилингизни очади. Ипак қанотида димоққа туз ланган бодиринг таъмини берувчи сўлим барра қамишлар, нордон кўлмак ҳидини бурқитиб эсаётган салқин нам шабада майин қиз бола қўлидай сочингизни силаб, қулоғингизга сеҳрли шивирлайди. Тинимсиз чарх ураётган оқ бадан чағалайлар балиқлар тўдаси устида шалоплаб сувга шўнғишади. Қармоқни сувга отган заҳотиёқ пўкагингиз билан баробар юрагингиз ҳам дикир-дикир рақс тушабошлайди. Дунёнинг ташвиши, ғам-андуҳ бошингиздан учиб, онадан туғма бўласиз, қоласиз.

Кечқурун қўшга тўплангандачи. Гулхан ловиллайди. Гулханда балиқ шўрва биқирлаб қиёмига етяпти. Унинг атрофида ҳамкасб, ҳамфикр, бир руҳдаги серзавқ, жиндай хаёлпараст, жиндай лофчи танланган танти улфатлар давраси. Бири қўймай, бир олиб қочади. На ғийбат, на ғараз. Фақат бир мавзу: балиқ ови. Шу кунги саргузашт, шу кунги таассуротлар. Ҳар кимники бир достон. Қаҳқаҳа билан ухлаб, қаҳқаҳа билан уйғонасиз. Очиқ ҳавода, қуруқ кум устида чўзилиб ухлашга нима етсин. Бугун ҳам шундай, эртага ҳам шундай. Келгуси шанба ҳам, якшанба ҳам шундай.

Лекин ҳафтада икки дам олишга кўп қувонган эканманми, кўнгилли ҳордиқ чиқаришдан, ана шу ҳузур-ҳаловатдан мана бир неча ҳафтадирки, маҳрум бўлдим. Хотин исён кўтарди.

Сўнгги сафар балиқ овидан келганимизда ҳар галгидай оғзи чеккасига етиб кутиб олиш, тўшакча солиш, сочиқ тутиш, чой қўйиш қайда. Остонадан қадам қўйишим биланоқ манглайини уйиб, мени кузатиб келган итни вачғиллатиб урди. Сўнгра супурги билан мушукни туширди. Иннайкейин болаларга ҳужум қилди. Ниҳоят, бевосита ўзимга ҳамла қила кетди.

— Бошқаларнинг эрлари ҳам эр. Болаларининг қошидан бир пас нари кетмайди. Хотинини қўлтиқлаб театрга боришади, кино кўришади, қўшниларига чиқишади. Байрамни байрамдай, оддийни оддийдай ўтказишади. Сиз бўлсангиз ҳафталаб, ойлаб (лоп ҳам эви билан, туҳмат ҳам инсоф билан-да) уйда қорангизни кўрсатмайсиз. Ҳалимахоннинг имениқасига ҳамма ўз эри билан келишган. Мен... уялиб ерга кирай, дедим. Ҳа, уйдан илон чиққан! Чаён чиққан!

— Меҳнаткашлар мириқиб дам олишсин, деб ҳафтада икки дам олишни чиқарган ҳукумат.

— Одамлардай сиз ҳам уйда дам олинг!

— Эҳ хотинжон, хотинжон,— дедим,— уйдан ташқари дам олишнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан нақадар муҳимлигини сен ҳам ишласанг билар эдинг.

Ўйламай жиғига теккан эканман баттар шовқин кўтарди хотин:

— Мана айтмадимми шундай дейди деб! Мени ишдан олиб қолган, уй чўрисига айлантирган ким? Айтинг, ўзингиз эмасми? Ишламасам ҳам бир ёқда итингиз билан мушугингиз, бир ёқда болаларингиз. Уйингизнинг ўти билан кириб, суви билан чиқадиган мен эмасми? Келиб-келиб эшитадиганимиз шуми сиздан? Бир бурда нонингизни миннат қилсангиз, ҳалиям ўзимга яраша иш топиб беринг, ишлайман! Иннайкейин, болаларингизга ўзингиз қарайверинг...

Оҳ-а! Хусусан унинг «Бир бурда нонига шамаси жонимдан ўтиб кетган бўлса-да тилимни тийдим. Жаҳл устида айтяпти. Лекин «ўзига яраша иш топиб беришим»да, болалар масаласида хотиннинг гапида жон бор. Уйланганимдан кейин уни ишдан олиб қолганим ҳақ. Уни беш йилдан буён уйда ўтираверибб, бели билан кўкраги бир бўлиб семириб кетган. Аввалгидай ёзув-чизув ишларига ўқуви келмайди. Рабочиликка бормайди, албатта. Борақолган тақдирда ҳам жўжабирдай жонмиз, болаларнинг оғирлиги бизнинг зиммага тушади. Бултур бир болани мактаб олдидан боғчага топшираолайлик, деб қанча овора бўлдик. Эмизиклисини, ундан каттароқларини қандай жойлаймиз боғча—яслига?

— Улфатларни нима қиламан?—дедим бошқа важ тополмай.

— Қайтиб уйга яқин йўлатмайсан ўша човоқхўр улфатларингизни! Бундан кейин остонадан ташқари ҳатламайсиз.

Хотин масалани кўндаланг қўйди.

Мен энди шанба ва якшанба кунлари хўрсиниб уйда қоламан. Измимга кирганимдан боши осмонга етиб, хотинимнинг голибона очиқ қўллик билан сийлашлари ҳам сира татимайди. Фақат ўзимни ўзим койийман, пушаймоним ичимга сиғмайди, бошдан нега хонаки қилиб қўйдим хотинни!

Раҳим БЕКНИЁЗ.

АРГЕНТИНАЧА ТЎЙ

Бундан бир неча ой муқаддам Аргентина футболида безорилик-ка қарши қаттиқ чоралар кўриладиган қоидалар киритилди. Ўйиндан чиқариб юборилган ҳар бир ўйинчи жамоат тартибини бузишда айбланиб, 30 кунгача ҳеч қандай сўроқсиз турмада ётиши мумкин бўлиб қолади. Яқинда мамлакат терма командасининг ўйинчиси, «Бока Хуниорс» командасининг аъзоси Освальдо Сосо машҳур актриса Анита Гонзалес билан бўладиган никоҳ арафасида шундай айб қилиб қўйди. «Велес Сарсфилд» клуби командаси билан бўлаётган ўйинда майдондан чиқарилиб, тўппа-тўғри қамоқхонага олиб борилди. Лекин тўй қолдирилмади. Никоҳ маросими шу қамоқхонанинг ўзида ўтказилди. Сосо бутун мамлакатга машҳур киши бўлгани учун тўй маросими телевидение орқали олиб кўрсатилди. Бунинг учун келин-куёвлар бир 1 миллион песо пул ишлашди.

«Қамоқда ётганимда клуб менга ойлик тўламаслиги учун моддий жиҳатдан қийналиб қолишим хавфи бор эди. Никоҳ маросими одатдаги шароитда ўтганида уни ҳеч ким телевидение орқали кўрсатмасди».

(«Спорт»).



КУРАШ. С. Левицин фотоэтюди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

БЕЧОРА МУШУК

Минск областининг Голиново қишлоғи ўрмонларининг бирида қизиқ воқеа юз берди. Бу ерда дарахтларга ин қўйган қарғаларнинг инида кутилмаган ҳодиса бўлиб ўтди. Эндигина ин қўйиб, бола очган қуш «уй»и — дарахт тагида ёввойи мушук пайдо бўлиб, қуш болаларини ўлжа қилиш мақсадида дарахтга чиқа бошлади. Буни кўрган она қарға унга қарши чиқиб, якка-ма-якка олиша бошлади. Она қарға ҳар томондан учиб келиб, мушукни чўқир, пайт пойлаб тепарди.

Шу пайт қаёқдандир бир гала қарғалар учиб келиб, она қарғага ёрдам бердилар. Она қарға дўстларининг кўмагидан фойдаланиб, ҳужумни яна ҳам кучайтирди. Саросимага тушиб қолган бечора мушук аранг орқага қараб қочишга улгурди. холос.

РАССОМ ТАБАССУМИ



ЎРТОҚЛИК СУДИДА
— Нега кеча ишга келмадингиз?
— Ахир, ишга маст келмасликка сўз берганман-ку...



— Юлдузларни санаяпсизми, жонгинам?
— Йўқ, хотинимнинг отпускадан қайтишига неча кун қолганини санаяпман.



— Қаерда ёнғин чиқибди?
— Сув йўқ, шунга сизларни чақирдик..



— Сизнинг тўғрингизда деворий газетага танқидий мақола ёзишни айтишган эди... их-и, их-и, шуни кўриб берсангиз...



Гўшангага таклиф қилишяпти, тезроқ тугатинглар....

Рассом А. ХОЛИҚОВ.



◆ МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ПОСБОН

Янги йил кирадиган тун. Ҳамма уйда хурсандчилик қилиб янги йил киришини сабрсизлик билан кутяпти. Файзулла Нуриддинов эса милиция бўлимида. У аллаларни ёзиб-чизиб ўтирарди. Шу пайт телефон жиринглади.

— Эшитаман,— деди Нуриддинов.

— Мен магазин қоровулиман, тезроқ етиб келишингизни сўрайман. Бирлашган кўчасидаги ошхонанинг орқасидан ўғри тешиб анчагина нарсани олиб кетганга ўхшайди.

— Бизни кутиб туринг, ҳозир етиб борамиз...

Нуриддинов шундай деди-ю, ёнига икки милиционерни олиб воқеа содир бўлган ерга ошиқди. Ўғрилар ошхона буфетидан ҳар хил консервалар ва ичимликларни ўғирлашибди.

Нуриддинов икки милиционерни Бирлашган кўчасининг икки томонига юборди. Ўзи эса, ўша ердаги ичимлар ётоқхонасига кирди. У хонзма-хона одамларни янги йил билан табриклаб юраркан навбатдаги хонага кирганда стол устида уюлиб турган консерва, ароқларга кўзи тушди. У стол атрофида ўтирганларга бирма-бир кўз югуртириб чиқди. Милиция ходимини кўрган «икки паҳлавон» «баҳона» қилиб уйдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Нуриддинов уларнинг ўғрилар эканлигини пайқаб, уйдан чиқиши биланоқ ушлади. Ўғрилар милиция бўлимига олиб келинди...

У тонггача тунни бедор ўтказиб хизматда бўлди. Бунинг учун у заррача хафа бўлгани йўқ. Чунки, одамларга хизмат қилиш, уларнинг осойишталигини сақлаш Нуриддиновнинг қонқонига сингиб кетган. У хизмат даврида тунларни неча бор бедор ўтказган, неча бор бунақа воқеалар, ҳодисалар гувоҳи бўлган, неча бор ўғрилар, безорилар билан олишган. Хуллас Нуриддинов халқимизнинг севган посбонларидан бири. У ҳамиша осойишталикни сақлаш учун постда ана шундай жанговар тайёр туради.

Файзулла Нуриддинов Совет армиясида хизмат қилиб қайтгач, Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирди.

Университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, ишга йўлланма олди...

Файзулла Бекобод районида бош оператив вакил сифатида ишлаб ўғрилар, безориларнинг жиноятини очишда бор тажрибаларини ишга солди. У қаерда бўлмасин жамоатчиликка таяниб иш тутди.

Ҳа, Нуриддинов халқ осойишталигини сақлаш йўлида, даалат мулкини сақлаш, безориларга қарши курашда озмунча ишлар қилмади. У 2-пойафзал фабрикасининг мулкини талон-тарож қилган 40 га яқин ўғрини фош қилди, Салор посёлкасида 8 кишидан иборат бандитлар группасини тутди, Воровский кўчасидаги 118-магазинни уриб кетган 6 ўғрини 52 минг сўмни «ош» қилаётганда қўлга тушириди. Файзулла Нуриддинов бу хизматлари эвазига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг қимматбаҳо буюмлари, Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ўтган йили Файзулла Нуриддинов ҳаётида уч қувончли воқеа юз берди. У аспирантурани сиртдан муваффақиятли тугатди, милиция подполковниги деган унвон берилди ва Ҳамза район ички ишлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди.

Яқинда Файзулла ака ҳузурида бўлдик. У ўз номига келган хатларни ўқиб ўтирган экан. Хатлардан бирини олиб ўқидик.

«Ҳурматли Файзулла ака! Менга тўғри йўл кўрсатиб жиноят қилишдан сақлаб қолганингиз учун сиздан узр бўйи миннатдорман. Сизни янги 1969 йил билан самимий табриклайман. Ҳурмат билан трактор-йиғув заводининг ишчиси Анатолий Фёдоров».

— Мен бошчилик қилаётган милиция бўлимида,— дейди Нуриддинов, — 200 га яқин милиция ходими бор. Улар жамоатчиликка таяниб иш кўряптилар. Жиноят содир қилмоқчи бўлганларни қўлга туширяптилар. Ўз бурчига виждонан берилиб ишлаётган Муҳаммадаминов, Ҳамроқулов, Исматуллаев, Мирхўжаева, Жумаев ва Хожиёровларни фахр билан тилга оламиз.

Дарвоқе, Файзулла ака Нуриддиновнинг милиция сафида хизмат қилганига 20 йил бўлди. У 20 йилдан бери халқимиз осойишталигининг посбони сифатида ишлаб кўпчилкининг ҳурматини қозоняпти.

Р. ХЎЖАМОВ.

Кенгес СМАМУТОВ.



Дилбар

(ҲИКОЯ)

Саломатмисиз?—дея кулимсираб ичкари кирди. — Болтабойдан хат олдим сизга ҳам ёзибдими?

— Йўқ!—кампирнинг товуши қалтираб чиқди.

— Кеб қолар. Ташвишланманг?! Менга ёзган хатини ўқиб берайми?

— Ўқий қол...

Қиз пальтосини ечиб, курсига илиб қўйди. Кичкина қора сумкасидан кўк конвертни олди. Баланд товуш билан ўқий бошлади.

— «Соғинчли салом хат!.. Жондан азиз Дилбарим!.. Қорақалпоқ еридан олисда жойлашган Нарьян—мар шаҳрига кеча келиб тушдим. Ҳаво жуда совуқ. Ойдатра терисидан тикилган телпагимни олиб келмаганимда қулоғимни совуққа олдиришим ҳеч гап эмасди. Жойлашишим билан сенга салом йўлладим.

(ДАВОМИ. Бошқа газетанинг ўтган сонида).

Дилбар! Азизим!..

У қизариб кетди. Бир икки сатрини қолдириб ўқиди. Бу жойлари унчалик қизиқарли эмас. Болтабой дастлаб соғ-саломат етиб келганлигини айтибди. Тошкентдан кейин эгон тиқилинч бўлгани, чала ухлаб, кам овқатланганигача ёзибди. Ўқишга келганларнинг кўпчилиги ёшлар экан. «Тўрт ой деб ёзибди у—бир кунча бўлмай ўтиб кетади!».

— Мана шу ерлари сизга аталган! «Оймга салом айт. Унга ҳам хат ёздим. Вақтинг бўлса ўзинг бориб ўқиб берарсан!»

— Эшитдингизми? Ҳаммаси жойида, ҳавотирланманг — деди Дилбар хатни сумкага солаётиб.

Боғдагул хола совуққонлик билан «раҳмат» деди. Ўғлидан биринчи марта ранжиди. «Дастлаб менга ёзмагани нимаси?!»

Ташқаридан кирган совуқ шамол хонани совутмоқда. Кампир жун рўмолини ёпиниб. буришиб ўтирибди.

— Совқотяпсизми?

— Ҳа, киши қариса юпқа бўлар экан. Кеча дўкондан гуппи сотиб олгандим. Резинкадан тикилгандай ҳеч иссиғи йўқ.

— Сизга жундан тўқилган джемпер керак. Бўлмаса шамоллаб қолишингиз мумкин.

— Уни қаердан топаман?! Дўконлардан топилмайди. Бозордан олишга пул кам.

Дилбар китоб токчасига яқин келганда кўк муқовали китобни кўлига олди.— Чанг босиб қолибди. Тозалаб қўяй.

— Нега? Эътироз билдирди кампир. Уйни супургандa ўзим тозалайман. Қиз эътибор бермай, қўлига латта олди-ю, китобларни тозалай бошлади. Аччиқланган хола:

— Чироғим, ўз уйингда шундай қиларсан, деганини ҳам сезмай қолди.

— Менинг китобим бунча кўп эмас!— деб кулди Дилбар.

У яна икки-уч марта келиб кетди. Боғдагул хола ёқтирмайди. Аммо Дилбар эътибор бермайди. Келади-ю, ҳол-аҳвол сўрашгач, пальтосини ечиб совқотган кўлларини иситаверади, кейин ёрдамлаша бошлайди. Бир куни:

— Болтабойнинг тапочкалари қаерда,— деб сўради.

— Қаерда бўлсин? Жойидадир!

Боғдагул хола ўғлининг пухталигини билади. Шу билан Дилбарга мақтанib қўйгуси келди. Қиз гардеробнинг тагидан тапочкаларни топиб олдида ювгича кийиб: «Еп-енгил экан, ичи ҳам иссиққина. Уй ичида кийиб юраверайми?»— деди.

— Кияқол.

Дилбар шифонернинг ойнасини ювaётиб:

— Ўғлингиз шундай пухтами?— деб сўради.

— Ешлигидан шундай.. Дадаси йўқлигини билдирмади, азамат. Ўкишни ҳам аъло ўқиди.

— Аъло ўқимоқ қайда дейсиз? Сиз шундай ўйласангиз керак

— Сен қаердан биласан уни?

— Биламан,— деди Дилбар эркаланиб.

У ҳар ҳафтада келиб турди. Келса тинч ўтирмайди. Сув келтиради, ўтин майдалайди. Печкага кўмир солади. Кейин чала-чулпа ной чиб: хайр! Яна келаман дея шошиб чиқиб кетади. Бир марта қалин-қалин китобларни қўлтиқлаб келди.

— Техникумда сиртдан ўқияпман. Яқинда қишки сессия бошланади. Бир ойгача кела олмасман.

— Ҳов заошнийлар ҳам кўп ўқирканда,— ҳайратланди хола. Шу куни улар анча суҳбатлашишди. Қиз ёшлигида онасидан етим қолиб, ўгай онанинг қўлида тарбияланибди. Дурустроқ ўқий олмабди ҳам.

— Энди бир ойгача ҳеч келмайсанми?

— Январнинг йигирма бешларида хабар оларман,—деди Дилбар, Аммо айтган вақтида келмади.

* * *

Кечкурун Азиза кириб келди. Боғдагул хола тутаб кетган керогазни титкилаб ўтирарди.

— Кел, чироғим!

Азиза қиш кунининг соф ҳавоси да яна ҳам очилибди. Юзлари қип қизил. У диванга ўтирди-да ойнасини олиб юзини кўрди. Лаб бўяғичини қўлига олиб:

—Бугун кинотеатр олдида Дилбарни кўрдим. Ёнида анови кунги ашулачи йигит бор.

— Ҳа-а, худди ўзи. Иккаласи қўлтиқлашиб боряпти. Дилбар қаҳ қаҳ ўриб кулади, у йигит билан бир гапи борга ўхшайди:

Қўйсангчи!

— Ишонмайсизми? Кўз қисишида бир гап бор. Мен биламан бунақасини, Боғдагул хола негадир эътибор бермади. Азизанинг шундай бўрттириб гапириши борда! Тенгдошлари билан юрса нимаси айб?!

Орадан бир неча кун ўтди. Боғдагул хола Дилбар ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлди. Кечаси дераза ёки эшик тақилласа ўринидан учиб туради. Худди Дилбар келаётгандай. Илгари бундай одати йўқ эди. Бунга ўзи ҳам тушунмайди. Янги йил арафасида эртапабдан ёга бошлаган ёмғир чошгоҳга яқин жалага айланди. Тушга яқин бироз пасайиб; сўнгра қор ёга бошлади. Қаттиқ шамол эсиб, совуқ бошланди. Марказий меҳмонхонада фаррошлик хизматида ишлайдиган Боғдагул хола кеча ишдан кеч қайтди. Эрталаб кечроқ уйғонди. Дараза музлабди.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

1 февраль

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўзбек Давлат филармонияси артистларининг концерти. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 «Сайловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). 20.00 «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). 20.30 Қўшиқлар ва рақслар (ўзбекча). 21.00 «Социалистик мамлакатларда» деган эшиттириш (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт (ўзбекча). 22.20 «Шанба оқшомида» деган концерт (ўзбекча). 23.10 «Қувончли қўшиқлар» (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). 19.30 «Китоб токчаси» циклидан (русча). 20.00 «Сиз ёқтирган овозлар» деган концерт (тожикча). 20.30 Озарбайжон куйлари. 20.50 Самарқанд Давлат университетининг ректори, профессор В. А. Абдуллаевнинг «Университет ва фан» деган суҳбати (русча). 21.00 Рақслар. 21.40 «Лениннинг яшаган ва ишлаган жойларда» деган суҳбат (татарча).

2 февраль

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.15 Тонгги концерт. 7.45 «Шогирдлар—устозлар ҳақида» деган эшиттириш (ўзбекча). 8.25 Ўзбекистон радиоси солистларининг концерти. 9.30 Шарқ куйлари. 10.10 «ТАБАССУМ» радионажурнали. 11.35 Шўх концерт. 12.15 «Эрталабки салом!» (Москва). 13.30 Радио эшитувчиларнинг хатлари асосида концерт (русча). 15.00 «Бизнинг радиопочта» (ўзбекча). 15.10 Халқ талантлари концерти. 15.50 «Олмалиқ кимё заводи қурилишида» деган эшиттириш (ўзбекча). 16.10 Ҳамза номли театр «Имон» спектаклининг монтажи. 17.40 Эрон яғилиқлари.

18.00 «Мусиқали глобус» (ўзбекча). 18.40 А. Холмиков. «Бўрон болалари» симфоник поэмаси. 19.20 Ўзбек халқ куйлари. 20.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. 20.30 Лирик куйлар (ўзбекча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 «ТАБАССУМ» радионажурнали. Тақрорий эшиттириш. 23.20 «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 С. Раҳимов ва А. Кошпе ижросида қўшиқлар. 9.15 Реклама ва эълонлар. 9.30 Концерт (русча).

19.00 Ўзбекистон артистлари ижросида СССР халқларининг куйлари. 19.30 Эстрада-рақс концерти (русча) 20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). 21.00 Дам олиш концерти (тожикча). 21.40 Куйлар. 21.30 «Ётгинчи йўлдош». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Машққа шайланинг! 12.15 Телевизион янгиликлар. 12.30 «Будильник». 13.00 Мусиқали киоска. 13.30 Интервидение. Телеочерк. 14.00 Усмирлар учун. «Қилирувчилар». Телевизион клуб. 14.50 «Новости дня» киножурнали. 15.00 Ўқувчилар учун эшиттириш. 15.30 Интервидение. Ёшлар имоди. 16.00 Қишлоқ соати. 17.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. Тошкентдан эшиттириш олиб кўрсатилади. 17.30 А. Штейн. «Океан». Максим Горький номидаги Ленинград Катта драма театрининг спектакли.

20.30 Рангли телевидение программаси. 23.00 Адабий театр. «Редакцияга қайтмади». Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалоқ бўлган журналистларга бағишланган эшиттириш. 24.00 «Етти кун». Халқаро программа. 00.45 Интервидение. Эфирда «Молодость». 01.45 Конькида тез югуриш бўйича жаҳон биринчилиги. (Аёллар). 02.30 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 19.30 «Шаҳрим ҳақидаги қўшиқлар». 19.45 «Алло, биз талантларни излаяпмиз». 20.55 «Сергей Лемешев». Кинoочерк. 21.15 Музикали топишмоқ.

Телевизор

1 февраль

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «ЕШЛИК» почтаси. 18.50 «Манарага». Илмий-оммабоп фильм. 19.00 «Қалб чорлайди». Музикали программа. 19.40 Телевизион янгиликлар. 19.55 Кўрсатишлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Рангли телевидение программаси. 21.30 СССР халқларининг телевизион атласи. Тожикистон ССР. 22.30 Огонёк. 23.30 Телевизион янгиликлар. 23.15 Бадиий фильм. 01.45 Конькида тез югуриш бўйича жаҳон биринчилиги. (Аёллар). Эшиттириш Гренобльдан олиб кўрсатилади. 02.30 Москва, кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.00 Эфирда «Молодость» — «Горизонт».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «Шанба, шоирлар ва ашулалар». Ўзбек халқ ашулалари ва шоирлар ижодидан сўнг. Мусиқали дам олиш программаси (такрорий эшиттириш). 20.40 Телефильм. 21.10 «Халқ талантлари». Концерт. 21.45 «Бўрондан кучли». Бадиий фильм.

2 февраль

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 10.00 Болалар учун мультфильм. 10.20 Болалар учун. «Колокольчик» клуби. 10.50 «Том Сойернинг саргузаштлари». Телеспектакль.

Узбек тилида: 12.05 «Еш куч». Болалар учун спорт эшиттириши. 12.35 «Андрейка». Бадиий фильм. 14.05 Қозоқ тилида эшиттириш ва концерт. 16.55 Кўрсатишлар программаси. 17.00 Болалар учун. С. Нуров. «БЕГУБОР ТОНГ». Телепостановка (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 17.40 Болалар учун. «Болаларнинг спорт мактаби». Телефильм.

18.00 «Ахборот» информацион программаси. 18.30 «Соядаги юши». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 20.00 Ун минут музика. 20.10 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Газалхон ёшлигим». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 «Ётгинчи йўлдош. Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТИШЛАРИ.

2 февраль

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9,55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 10.00 Болалар учун мультфильм. 10.20 Болалар учун. «Колокольчик» клуби. 10.50 «Том Сойернинг саргузаштлари». Телеспектакль.

Узбек тилида: 12.05 «Еш куч». Болалар учун спорт эшиттириши. 12.35 «Андрейка». Бадиий фильм. 14.05 Қозоқ тилида эшиттириш ва концерт. 16.55 Кўрсатишлар программаси. 17.00 Болалар учун. С. Нуров. «БЕГУБОР ТОНГ». Телепостановка (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 17.40 Болалар учун. «Болаларнинг спорт мактаби». Телефильм.

18.00 «Ахборот» информацион программаси. 18.30 «Соядаги юши». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 20.00 Ун минут музика. 20.10 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Газалхон ёшлигим». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 «Ётгинчи йўлдош. Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Машққа шайланинг! 12.15 Телевизион янгиликлар. 12.30 «Будильник». 13.00 Мусиқали киоска. 13.30 Интервидение. Телеочерк. 14.00 Усмирлар учун. «Қилирувчилар». Телевизион клуб. 14.50 «Новости дня» киножурнали. 15.00 Ўқувчилар учун эшиттириш. 15.30 Интервидение. Ёшлар имоди. 16.00 Қишлоқ соати. 17.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. Тошкентдан эшиттириш олиб кўрсатилади. 17.30 А. Штейн. «Океан». Максим Горький номидаги Ленинград Катта драма театрининг спектакли.

20.30 Рангли телевидение программаси. 23.00 Адабий театр. «Редакцияга қайтмади». Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалоқ бўлган журналистларга бағишланган эшиттириш. 24.00 «Етти кун». Халқаро программа. 00.45 Интервидение. Эфирда «Молодость». 01.45 Конькида тез югуриш бўйича жаҳон биринчилиги. (Аёллар). 02.30 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 19.30 «Шаҳрим ҳақидаги қўшиқлар». 19.45 «Алло, биз талантларни излаяпмиз». 20.55 «Сергей Лемешев». Кинoочерк. 21.15 Музикали топишмоқ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 1/II да Риголетто, 2/II да Олтин калитча (кундуз). Князь Игорь (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—1/II да Қонли сароб, 2/II да Замон драмаси

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да Гули сиёҳ, 2/II Фарғона тонг отгунча.

Кино

1, 2 ФЕВРАЛДА

Тошдаги достон (1-2 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2,30 ва кеч 6,30 минутда), «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Асосий далил — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6, 8 да), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Оҳангжамали қутича — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Омад сўнмоқлари — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 12, 4 ва кеч 10 да), «УЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар (1,2 сериялар)— САНЪАТ САРОЙИ эрталаб 11 яримда, кеч соат 5 яримда).

А. НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА ТЕАТРГА

театр билетларини тарқатиш бўйича вакиллар, декорация монтировкачилари (саҳна ишчилари), электр билан ёритувчилар, костюмерлар, дуредгорлар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 28-уй.

ХАРЬКОВ ШАҲРИДА
15 февралда
1966 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН
3% ЛИ
ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЙМИНИНГ
21-ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Тиражнинг бир разрядида 312560 сўмлик 9400 ютуқ, шунингдек 5000, 2500, 1000, 500 100, ва 40 сўмлик пул ютуқлари бор.

3% ЛИ ЗАЙМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

ҚАДРЛИ ХАРИДОРЛАР! «ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

кенг ассортиментда қуйидаги мамлакатдаги телевизорларни: «Берёзка», «Восход» «Лотос», «Зорька», «Балтика», «Аврора», «Снежок», «Аэлита», «Старт—4», ҳамда «Беларусь» ва «Лира» телерадиоларини бир йиллик муддатли

КРЕДИТГА БЕРАДИ

Кенг ассортиментда «Серенада», «Рекорд-68», «Эфир-67», «Кантата», «Рапсодия», «Урал-5», «Бирюза», «Беларусь», «Ноланта», «Регонда» радиоларни ҳамда «Минск-4», «Романтика» магниторадиоларни, шунингдек «Днепр-12» ва «Днепр-14» магнитофонлари бор.

Сиз Савдо марказидан арқақ ва аёлларнинг ҳамда болаларнинг устки кийимини, тўқимачилик молларини, пойафзаллар, трикотаж моллари парфюмерия-галантерия молларини харид қилишингиз мумкин.

Шу ернинг ўзида озиқ-овқат молларини бемолол харид қила оласиз.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳрида ва Урта Осиё шаҳарларида ишлаш учун

алоқа монтёрлари (ишбай-га):

Тошкент шаҳрида ишлаш учун

ҳисоб-китоб бўлими бухгалтери, гараж бошлиғи, К-61 ва К-46 автокран машинистлари, юк автомашина шофёрлари, алоқа монтёри касбига ўргатиш учун ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 97-уй (2-трамвай, 9, 11-автобусларнинг «Геологоразведка» бекати).

Гараж адреси: Куйбишев шоссеси, 15-уй.

НЕФТЕПРОВОДМОНТАЖ ТРЕСТИНИНГ 2-МАХСУС БОШҚАРМАСИГА

катта бухгалтер, бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси, 93-уй, 2-қават (2, 9, 11-троллейбусларнинг «Пионерская» бекати).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар давлат страҳование органлари 1969 йил январидан бошлаб 1969 йил учун гражданларнинг мажбурий окладли страхованиега тегишли молу-мулкини ҳисобга оладилар.

ҚУЙИДАГИ МОЛУ-МУЛК СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНАДИ:

гражданларнинг шахсий иморатлари ва страхование ёшидаги чорва моллари;

иморатлар коммунал хўжалик органларининг, техник инвентаризация бюроларининг маълумотларига асосан ҳисобга олинади.

Коммунал хўжалик органлари томонидан баҳоланмаган иморатлар Госстрах органлари томонидан вақтинча баҳоланади.

Барча маҳалла ва квартал комитетларидан, мажбурий окладли страхования бўйича гражданлар молу-мулкини ҳисобга олишда Госстрах органларига ёрдам кўрсатишларини илтимос қилинади.

Мажбурий окладли страхование бўйича 1969 йил 1 апрелга қадар страхование гувоҳномасини олмаган гражданлар ўз районларидаги Госстрах инспекциясига учрашишлари лозим.

Тошкент шаҳар давлат страхование бошқармаси

ЎЗБЕКИСТОН ССР УПРМЕБДРЕВПРОМ ТАЖРИБА ТЕХНИКА БАЗАСИГА

II, III класс шоферлар, слесарлар, 3—6 разрядли токарлар, 4, 5, 6 разрядли фрезеровщиклар, металлга сайқал берувчилар, юнчилар, темирчи, газ-электропайвандчилар (иш ҳақи вақтбай-мукофотли), металлни қайта ишлаш ва бошқа металл ишлаб чиқарувчи несув станокларида ишловчи ишчиларга таъриф жадвали бўйича 12% қўшимча тўланади):

Егочни қайта ишлаш станогига, 4, 5 разрядли станокчилар, жиҳозларни созлаш бўйича слесарлар (иш ҳақи ишбай-мукофотли) товарушунослар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 61, Клара Цеткина кўчаси, 31-уй (3, 7, 5, 12, 26 автобусларнинг «Винзавод», 1, 5, 9, 8-трамвайларнинг «Полторашний» бекатлари).

Телефонлар: В-3-15-31, В-3-48-71.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 февралда

4—6 синф мактаб ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи № 1

ТЎРТИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

МУЗИКАЛИ САҲНА АСАРЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Лектор—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос Тавур ЖУМАЕВ.

Концерт-лекция кундуз соат 2 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ОИНА ИДИШЛАР ЗАВОДИ

цехга ишчиларни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи-ишбай-мукофот тариқасида.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-25, Стародубцев кўчаси, 128-уй, кадрлар бўлими.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ холодильниклар ва бошқа ҳар хил маркадаги маиший электр моллариии аҳолига

СОТАДИ

Савдода 220 сўмлик «Одзис» ва 250 сўмлик «Памир» холодильниклари бор. «Памир» холодильникини 6 ёки 12 йиллик муддатга кредитга олишингиз мумкин.

«Чилонзор» савдо марказидан «Сибирь», «Урал», «Киргизия», «Свердловск» кир ювиш машиналарини 98 сўмлик «Экстра» ва 48 сўмлик «Подольск» тикув машиналарини сотиб олишингиз мумкин, шунингдек кредитга ҳам берилади.

Савдода кенг ассортиментда ип-газламаларни ювадиган «Дружба» порошоги, ип-газлама, ипак ва шерсть газ-моллари ювиш учун «Лотос» порошоглари бор.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ!

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти коллективи Жамият Президиумининг раиси Х. С. Шукуровага отаси

Абдусамад АБДУЛЛАХЎЖАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 1 ФЕВРАЛЬ, 1969 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15 уй. Редакция телефонлари. Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар кўжалиги бўлимлари 33-29-42 адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55 хатлар ва оммавий ишлар физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 ахборот бўлими—33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

Нашр. № 2668.

Р. 10938.